

Суннат намозларни ўқимайдиганларга танбеҳ!



19:00 / 07.08.2021 1555

Атиги бир йилда шунча фарқ:

- Кундалик равотиб суннат намозларини ўқиган ва уларни ўқимаган кишининг фарқи 4320 ракат биландир!
- Ҳар куни витр намозини ўқиган ва ўқимаганнинг фарқ (1095) 365 ракат.
- Зуҳо намозининг икки ракатини ўқиган ва ўқимаганнинг фарқи 730 ракат.
- Кундалик суннат намозларга риоя қиладиганлар ва уларга эътибор қилмайдиганларнинг фарқи бир йилда 5415 ракатни ташкил қилар экан.

Кўриб турганингиздек фарқ жуда улкан. Лекин биз дангасалик ва эътиборсизлик қилиб буларни унутамиз. Шуни билингики, ҳар бир ракатда икки сажда бордир. Демак, жаннатда ҳар ракат учун икки даража кўтарилиш бордир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мавлолари Абу Абдурахмон Савбон дедилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деганларини эшитдим: **«Сен ўзингга саждани лозим тут. Чунки Аллоҳ учун бир саждани амалга оширсанг Аллоҳ у билан сени бир даража кўтариб, сендан бир хатоингни ўчиради»**, дедилар».

Манба: arabic.uz